

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 07/27.02.2020. Yu/108.01-
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ ЖУРАБЕК АБДУСАМИЕВИЧ

**МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Расулов Журабек Абдусамиевич

Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларни
Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига имплементация қилиш
масалалари..... 3

Rasulov Jurabek Abdusamievich

The issues of implementation of international standards on the abolition of
forced labour into the legislation of the Republic of
Uzbekistan..... 27

Расулов Журабек Абдусамиевич

Вопросы имплементации международных стандартов по упразднению
принудительного труда в законодательство Республики
Узбекистан..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 07/27.02.2020. Yu/108.01-
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

РАСУЛОВ ЖУРАБЕК АБДУСАМИЕВИЧ

**МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНЧИЛИГИГА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филсофи доктори (PhD) диссертацияси маълуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида R2021.1.PhD/Уш124 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетда bajarилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.uzmarkaz.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот тилдан порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: Тодлабаев Миротилла Алишеринович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий апионентлар: Адиляриев Хажимурод Тухтамуродович
юридик фанлар доктори, профессор

Эшматова Феруза Шарвадани
юридик фанлар доктори (DSc)

Китобчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қосидаги Юристарлар малакасини ошириш маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/27.02.2020.Уш/108.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «20» сентябрь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзили: 100052, Тошкент шаҳар, Катта Дархон кучаси, 6-уй. Тел.: (99871) 234-56-02; e-mail: uzmarkaz@adliya.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қосидаги Юристарлар малакасини ошириш маркази Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (4871-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзили: 100052, Тошкент шаҳар, Катта Дархон кучаси, 6-уй. Тел.: (99871) 234-56-02).

Диссертация автореферати 2021 йил «31» август куни тарқатилди
(2021 йил «31» август даги 4 рақамли реестр баёнинмаси).



А.А. Отажонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

Ш.Н. Рихманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори

И.М. Умаратуева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қосидаги Илмий семинар
раиси уранибосари, юридик фанлар
доктори

Handwritten signature in blue ink, likely belonging to the author or a representative of the institution.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида глобаллашувнинг чуқурлашуви меҳнаткашларнинг эркин ва ихтиёрий танланган муносиб меҳнат шaroитларида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) маълумотларига кура, бутунги кунда дунёда 40,3 миллион киши замонавий куллик, шу жумладан 24,9 миллион киши мажбурий меҳнат ва 15,4 миллион киши мажбурий никоҳ ҳолатида қолмоқда. Замонавий куллик жабрдийдаларининг ҳар тўрттадан бирини болалар ташкил қилади¹. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 2030 йилгача булган даврда БМТ Глобал кун тартиби Барқарор ривожланиш мақсадларининг 8.7-бандида аъзо-давлатларни мажбурий меҳнат, замонавий куллик ва одам савдосини тугатиш, болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ҳамда бекор қилиш бўйича тезкор ва самарали чораларни куриш бўйича вазифалар белгиланди².

Жаҳонда мажбурий меҳнат ва унинг замонавий шаклларини ташкил қилувчи амалиётларнинг ҳуқуқий табиати, халқаро меҳнат стандартлари тизимида мажбурий меҳнатни тугатиш принципининг урни ва аҳамияти, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик белгилаш, ХМТнинг мажбурий меҳнатни тугатишга оид фундаментал конвенцияларининг аҳамияти, мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш муаммолари, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича институционал механизмларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар утказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамызда мажбурий меҳнатни тугатишга, шунингдек болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлашга оид халқаро стандартларни имплементация қилиш, мажбурий меҳнатга қарши кураш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имиджини ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси томонидан ХМТнинг мажбурий меҳнатни тугатиш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлашга оид 5 та халқаро ҳужжатнинг ратификация қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашни тизимни янада такомиллаштиришга оид қушимча чора-тадбирлар

¹ Fundamental Principles and Rights at Work Branch (fundamentals) // <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/how-the-ilo-works/departments-and-offices/governance/press/lang-en/index.htm> (муросалат қилинган сана 24.06.2021)

² Employment, decent work for all and social protection // <https://sdgs.un.org/goals/goal8> (муросалат қилинган сана 24.06.2021)

тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони³ мисол бўлади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарори ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари А.Х.Саидов, М.А.Тиллабаев, Г.Юлдашева, Б.И.Исмаилов, Г.А.Маткаримова, А.Б.Ғафуров, Х.М.Юнусов, О.Р.Сулайманов, А.Р.Мўминов, Н.А.Нугманов, Ш.Н.Рахмонов, Ш.К.Ганибаева, М.Ю.Гасанов, М.М.Махаматов, Ф.У.Хамдамова асарларида таҳлил этилган.

Хусусан, М.Махаматовнинг диссертация тадқиқотида Ўзбекистон Республикасининг ХМТ билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий асослари, мазкур ташкилот конвенция ва тавсияларининг Ўзбекистон қонунчилигига имплементацияси ва уларнинг мониторингига доир масалалар тадқиқ қилинган.

Мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларнинг юридик табиати, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши, мажбурий меҳнат тушунчасини ташкил қилувчи элементларнинг мазмуни, мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ амалиётларнинг замонавий шакллари, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича институционал механизмларнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижий олимлар ва тадқиқотчилар N.Valticos, L.Thomas, M.Kern, C.Sottas, B.Andrees, V.A.Leary, C.Thomas, M.Oelz, X.Beaudonnet, A.Bronstein, E.Gravel, N.Rubin, R.F.Meknassi, К.Гусов,

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4616405>.

Н.Лютов, С.Головина, Д.Бекашев, О.Новикова, Н.Глухова, А.Лушников, М.Лушникова, Р.Давлетгильдеев, В.Микрина томонидан тадқиқ қилинган⁴.

Халқаро инсон ҳуқуқлари назариясида мазкур муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси шуни кўрсатадики, илмий тадқиқотларда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, ХМТ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий жиҳатлари, халқаро меҳнат стандартларининг шаклланиши ва ривожланиши каби масалалар ўрганилган.

Мазкур тадқиқотларнинг таҳлили мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий ва амалий масалалари комплекс ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг 2020 йил 27 августда тасдиқланган 2020-2021 ўқув йилига мўлжалланган илмий-инновацион ишлар режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишнинг назарий-методологик асосларини, мажбурий меҳнатга қарши курашишнинг халқаро ва миллий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“мажбурий меҳнат” тушунчасининг ҳуқуқий табиатини тадқиқ этиш, хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мажбурий меҳнат тушунчаси қўлланилишини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларнинг шаклланиши ва ривожланиши тенденцияларини ўрганиш орқали даврлаштириш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;

мажбурий меҳнатни тугатишга оид универсал ва минтақавий халқаро шартномаларнинг юридик табиатини таҳлил қилиш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш истиқболларини белгилаш;

мажбурий меҳнатни қўллаганлик учун жавобгарликни белгилаш бўйича халқаро шартномалар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва миллий қонунчиликни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича институционал механизмларнинг шаклланиш босқичларини ўрганиш ва ушбу механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

⁴Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Тадқиқотнинг объекти мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш юзасидан вужудга келадиган халқаро-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш усуллари, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро ва миллий механизмлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, социологик, умумлаштириш, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, юридик-техник, тарихий-ҳуқуқий ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

халқаро стандартларга мувофиқ “мажбурий меҳнат” ва “зўраки меҳнат” атамаларининг турли хусусиятларга эга меҳнатга мажбурлаш ҳолатларида қўлланилиши лозимлиги асослантирилган;

мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ амалиётларни тугатиш юзасидан халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими шаклланганлиги илмий асослантирилган;

мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларнинг шаклланишини ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, беш босқичга бўлинган ҳолда даврлаштирилиши асослантирилган;

мажбурий меҳнат билан боғлиқ амалиётлар учун жазо чоралари ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнат ҳолатлари учун қўлланилиши лозимлиги, уларнинг содир этилган жиноятнинг оғирлигига мутаносиб бўлиши, жавобгарлик белгиловчи қонун ҳужжатларининг самарали ижросини таъминлаш зарурлиги асослантирилган;

мажбурий меҳнатга қарши курашда меҳнат инспекциялари ролини кучайтириш мақсадида ХМТ доирасида мажбурий меҳнатни тугатишда меҳнат инспекциялари фаолиятини тартибга солувчи халқаро шартномани қабул қилиш зарурати асослантирилган;

Ўзбекистонда мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича институционал механизмларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб икки даврга бўлиниши, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича миллий мониторинг тизими шаклланганлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланган мажбурий меҳнатнинг ҳуқуқий тавсифини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган ҳолатларни қатъий белгилаш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

фавқулодда ҳолатлар шароитида шахсларни мажбурий тарзда ишларга жалб қилиш тартиби, бундай шахсларнинг тоифалари, уларга нисбатан

кафолатлар ва компенсацияларни белгилаш тартиби ва миқдори, бундай шароитларда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид нормаларни қонунчиликка киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148²-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддаси диспозициясидан “маъмурий тарзда” сўзларини чиқариб ташлаш мажбурий меҳнатни қўллайдиган ҳар қандай шахсни тегишлича жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишга имкон бериши юзасидан таклиф берилган;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XII бобини иш берувчининг ходимни меҳнатга мажбурлаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини кўзда тутувчи 187¹-модда билан тўлдириш юзасидан таклиф ишлаб чиқилган;

мажбурий меҳнатдан жабр кўрган ишчининг ҳуқуқларини тиклаш чораларини белгилаш, хусусан, мажбурий меҳнатдан озод қилиш ёки меҳнат шартномасини расмийлаштириш, иш ҳақи суммасини ундириш, маънавий зарарни қоплаш, мажбурий меҳнат шароитида ишлаган давр учун меҳнат стажини тасдиқлаш қабиларни меҳнат ва фуқаролик қонунчилигига киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, хорижий давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан асослангилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқот натижалари апробациядан ўтказилган, нуфузли миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалардан илмий-тадқиқот фаолиятида, “Халқаро оммавий ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Халқаро меҳнат ҳуқуқи” ва “Меҳнат ҳуқуқи” каби фанларни, меҳнат инспекцияси, касаба уюшмалари, юридик хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини илмий-назарий бойитишда, маърузалар ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнат, маъмурий, жиноий ва бошқа соҳаларга оид қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишда фойдаланилишида, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича институционал механизмларни такомиллаштиришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш масалалари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари қуйидагиларда фойдаланилган:

мажбурий меҳнатни тақиқлаш принципини қонунчиликда мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли Қонунига “5-модда. Аҳоли бандлиги соҳасидаги асосий принциплар” моддасининг тўққизинчи хатбошисига “мажбурий меҳнатни тақиқлаш, яъни бирор-бир жазо қўллаш таҳдиди билан иш бажаришга мажбурлашни тақиқлаш” таҳририда киритилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 6 апрелдаги 02/5-391-сонли далолатномаси*). Ушбу таклиф мажбурий меҳнатни тақиқлашни нафақат меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасида, балки ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида бундай амалиётнинг тақиқланишини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

вояга етмаган шахсни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 февралдаги ЎРҚ-673-сонли Қонунига “1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин: 3) 148²-модда иккинчи қисмининг диспозициясидаги “худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин” деган сўзлар чиқариб ташлансин;” таҳририда киритилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 6 апрелдаги 02/5-391-сонли далолатномаси*). Ушбу таклиф вояга етмаган шахсни мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаган ҳолда бундай тоифадаги шахслар ҳуқуқларининг амалий ҳимоясини таъминлаш, миллий қонунчиликни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг 29-сонли ва 182-сонли конвенциялари талаблари билан мувофиқлаштиришга хизмат қилган;

мажбурий меҳнат ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф қилмаган ҳар қандай шахсдан, ҳар қандай жазо таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни бажариш ҳисобланишига оид таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Одам савдосидан жабрланган ёки одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахсларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-иловасига “3.3. Мажбурий меҳнат. Мажбурий меҳнат — бу шахс ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф қилмаган, ҳар қандай жазо таҳдиди остида ҳар қандай шахсдан талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришдир” таҳририда киритилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 4 майдаги 12-18-7-сонли далолатномаси*). Ушбу таклиф одам савдосидан жабрланган шахсларни идентификация қилишда меҳнатга мажбурланиш ҳолатларини

аниқ белгилаш орқали меҳнат ва жинойий қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қилган;

мажбурий меҳнатдан фойдаланишни тақиқлаш соҳасида давлатларнинг жавобгарлигини кучайтириш; ёшларни меҳнатга мажбурлашнинг ҳар қандай шаклларида химоя қилиш ва уларнинг меҳнат бозорига чиқишлари учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш; меҳнат соҳасидаги зўравонлик ҳолатлари жабрдийдалари учун ҳуқуқий химоя воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларга етказилган зарарни қоплаш имкониятини тақдим этишга оид таклифлари БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг резолюцияларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги Доимий ваколатхонасининг 2021 йил 4 февралдаги UZ/UN/21-35-сонли далолатномаси*). Ушбу таклиф зўраки ёки мажбурий меҳнат жабрдийдалари учун уларга етказилган зарарни қоплаш орқали ҳуқуқий химояни тақдим этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, миллий журналларда 8 та, хорижий журналларда 2 та, илмий анжуманларда 5 та мақола ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Мажбурий меҳнат тушунчасининг назарий-ҳуқуқий масалалари ва мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларнинг генезиси”** деб номланган биринчи бобида **“мажбурий меҳнат”** тушунчасининг ҳуқуқий тавсифи ва халқаро шартномаларда қўлланилиши, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, халқаро меҳнат стандартларининг

ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар қонунчилигида мажбурий меҳнат тушунчаси қўлланилиши қиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилган бўлиб, ХМТнинг 1930 йилги Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенцияси ҳамда бошқа халқаро шартномаларда қабул қилинган “зўраки меҳнат” ва “мажбурий меҳнат” тушунчасининг турли хусусиятга эга ҳолатларда қўлланилиши, зўраки меҳнат ва мажбурий меҳнат масалаларига оид Ўзбекистон қонунчилигида меҳнатга мажбурлашнинг ҳар қандай ҳолати учун ягона тушунча сифатида “мажбурий меҳнат” атамасидан фойдаланилаётганлиги таъкидланган.

“Зўраки меҳнат” ва “мажбурий меҳнат” тушунчалари ХМТ 29-сонли конвенциясининг инглиз тилидаги матнида “forced labour” ва “compulsory labour”, немис тилидаги матнида “zwangsarbeit” ва “pflichtarbeit”, рус тилидаги матнида “принудительный труд” ва “обязательный труд” атамалари тарзида ишлатилган. БМТ, ХМТ, Европа Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномаларда шахснинг ихтиёрига зид равишда, унга нисбатан бирор-бир жазони қўллаш ёки уни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали фойдаланилган меҳнат масалаларида “зўраки меҳнат” (“forced labour”) атамасини, ўзида мажбурлаш элементларини ҳам намоён қилсада, бирор-бир ишни бажариш зарурати туфайли давлат томонидан (ҳарбий хизмат, фавқулодда вазиятларда бажариладиган, суднинг ҳал қилув қарорига асосан) иш ёки хизматни бажариш талаб қилинадиган ҳолатларда “мажбурий меҳнат” (“compulsory labour”) атамасини қўллаш лозимлиги қайд этилган.

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ХМТнинг 29-сонли конвенциясига асосан қуйидагича тарзда қабул қилинган: *“ихтиёрий равишда ўз хизматларини тақлиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизмат”*⁵. Кейинчалик кўплаб универсал ва минтақавий халқаро шартномалар, мамлакатларнинг миллий қонунчилигида ушбу таъриф асос сифатида олинган. Мазкур таърифнинг муҳим элементлари ҳисобланган *“ихтиёрий равишда хизматини тақлиф қилмаслик”* ва *“жазолаш билан таҳдид қилиш”*нинг ҳуқуқий табиати қатор олимлар (В.Andrees, М.Kern, С.Sottas)нинг тадқиқотлари асосида таҳлил қилиниб, мажбурий меҳнат ҳолатида “жазолаш билан таҳдид қилиш” албатта жиноий жазо шаклига эга бўлмаслиги, унинг ўрнига имтиёз ва баъзи-бир устунликлардан маҳрум қилиниш содир бўлиши мумкинлиги, “ўз хизматларини ихтиёрий тақдим этиш” эркинлигини бузадиган мажбурлашнинг ташқи ёки билвосита кўриниши нафақат ҳокимият органларининг ҳаракатлари билан, балки иш берувчилар томонидан амалга ошириладиган чоралар натижасида содир бўлиши мумкинлиги қайд этилади.

Тадқиқотчи немис олимаси В.Andreesнинг фикрларини ривожлантирган ҳолда шахсга нисбатан жисмоний тазйиқ ўтказиш ёки унинг эркини

⁵https://www.ilo.org/dyn/normlex/en/f?p=NORMLEXPUB:12100:0::NO:12100:P12100_INSTRUMENT_ID:312174:NO.

чегаралаш, ҳатто жабрдийдага ёки унинг яқинларига ўлим билан таҳдид қилиш қабилар мажбурлаб ишлатишнинг энг кескин кўринишларидан эканлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан, мажбурий меҳнат масалаларига ҳуқуқий баҳо беришда, энг аввало, мазкур амалиётга инсон ҳуқуқларининг, хусусан шахснинг муносиб меҳнат шароитларида эркин фаолият олиб бориш ҳуқуқининг қўпол бузилиши сифатида ёндашилиши лозимлиги эътироф этилади.

Диссертацияда зўраки ёки мажбурий меҳнат тушунчасининг ҳуқуқий табиатини турли манбалар асосида таҳлил қилган ҳолда мазкур тушунчанинг тўртта юридик элементи мавжуд эканлиги эътироф этилади: иш ёки хизмат; ҳар қандай шахс; иш ёки хизматнинг ихтиёрий хусусиятга эга бўлмаслиги; ишни бажармаганлик учун жазолаш таҳдидининг мавжудлиги. Меҳнатга мажбурланиш ҳолатларида шахснинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда ушбу элементларнинг ҳар бирига ҳуқуқий баҳо берилиши лозимлиги таъкидланади.

Тадқиқотчи халқаро меҳнат стандартларининг ҳуқуқий табиати борасида олимлар А.Саидов, А.Мўминов, М.Тиллабаев, О.Сулайманов, М.Махаматов, Ф.Хамдамова, Н.Люттов, N.Valticos, M.Humblet, M.Zarka-Martresларнинг фикрларига қўшилган ҳолда мазкур стандартларнинг универсаллиги ва мослашувчанлиги уларнинг ўзига хос хусусиятлари эканлигини, шунингдек, халқаро меҳнат стандартлари сифатида нафақат конвенция ва тавсиялар, балки декларацияларни ҳам эътироф этиш муҳимлигини таъкидлайди.

Диссертант мажбурий меҳнат масалаларини хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида ўрганган ҳолда, аксарият мамлакатлар конституцияларида (Ҳиндистон, Бангладеш, Судан, Афғонистон, Япония, Россия Федерацияси, Миср Араб Республикаси, Қозоғистон, Озарбайжон) мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги, унинг бирон-бир қўшимча шартларсиз тақиқланиши, мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланиши мумкинлигига оид нормалар белгиланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши аксарият МДҲ мамлакатларида (Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Арманистон) меҳнат қонунчилигининг асосий принципларидан бири сифатида мустаҳкамланганлиги, баъзи мамлакатларда (Буюк Британия, Сальвадор, Камерун, Лаос, Ҳиндистон) эса мажбурий меҳнат ва қуллик меҳнатини тақиқлашга қаратилган махсус қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги эътироф этилади.

Тадқиқотчи Ўзбекистон қонунчилигида мажбурий меҳнат тушунчасининг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолатларни халқаро меҳнат стандартлари ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги асосида қиёсий таҳлил қилган ҳолда, бу борада ўзаро номувофиклик сезиларли эканлигини таъкидлайди. Миллий қонунчилигимизда (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни) мажбурий меҳнат тушунчасини қўллашда қонун ижодкорлари ХМТнинг

29-сонли конвенциясидаги таърифни сезиларли даражада таҳрир қилган, бу эса мажбурий меҳнатнинг ҳуқуқий таърифни жиддий камчилик билан қабул қилинишга олиб келган. Миллий қонун ҳужжатларида халқаро меҳнат стандартларида белгиланган мажбурий меҳнат тушунчасидан “шахснинг ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф қилмаслиги” элементи тушириб қолдирилган. Мазкур элементнинг мажбурий меҳнат таърифига киритилмаслиги уни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри талқин қилиш имконини бермаслиги қайд этилади.

Тадқиқотчи халқаро меҳнат стандартлари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва олимларнинг илмий изланишларини таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасида келтирилган “мажбурий меҳнат” тушунчасини қуйидаги таҳрирда ўзгартиришни таклиф қилади: *“Зўраки ёки мажбурий меҳнат – ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади”*.

Диссертацияда мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро-ҳуқуқий стандартларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнларини ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари, меҳнатга мажбурланиш шакл ва кўринишларининг ўзгариб бориши, бу жараёнларга давлатлардаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий омилларнинг таъсирини олимлар L.Thomas, N.Valticos, D.Murray, H.Thomas, D.Richardson, О.Новикованинг ёндашувлари таҳлили асосида ўрганилган ҳолда, уларни даврлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги таъкидланади ва қуйидаги *беш босқичга* бўлиш таклиф этилади: *биринчи босқич* – 1815 йилдан 1930 йилгача бўлган давр, *иккинчи босқич* – 1930-1950 йиллардан иборат давр, *учинчи босқич* – 1950-1960 йилларни ўз ичига оладиган давр, *тўртинчи босқич* – 1970-йиллардан бошланиб 2000-йилларнинг бошларига қадар бўлган давр; *бешинчи босқич* – 2000-йиллардан бошлаб 2021 йилгача бўлган давр ҳамда ҳар бир даврнинг хусусиятлари асослангирилади.

БМТ, ХМТ ҳамда кўплаб минтақавий ташкилотлар доирасида мажбурий меҳнат масаласининг турли жиҳатларига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва ҳозирги кунга келиб, мажбурий меҳнат ва у билан боғлиқ амалиётларни тугатиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг яхлит тизими шаклланганлиги юзасидан хулосага келинади. Тадқиқотчи мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларнинг шаклланишида ХМТнинг иккита фундаментал конвенцияси – Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенция ва Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-сонли конвенция асос солувчи аҳамиятга эга бўлганлигини, мазкур конвенциялар қоидалари кейинчалик нафақат кўплаб халқаро ва минтақавий ҳужжатларда, балки давлатларнинг ички қонунчилик ҳужжатларида ҳам ўз аксини топганлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг **“Мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий табиати”** деб номланган иккинчи бобида мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича универсал ва минтақавий

шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, ХМТнинг мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича фундаментал конвенцияларининг моҳияти, халқаро шартномалар ва хорижий мамлакатлар қонунчилигида мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. БМТ, ХМТ ва минтақавий ташкилотлар доирасида имзоланган аксарият халқаро шартномаларда мажбурий меҳнатни тугатишга оид нормалар асосан “қаттиқ ҳуқуқ” (hard law) нормалари сифатида қабул қилинганлиги, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича асосий конвенцияларни тўлдирувчи қоидалар эса “юмшоқ ҳуқуқ” (soft law) нормалари хусусиятига эга эканлиги қайд этилади. ХМТ доирасида қабул қилинган “юмшоқ ҳуқуқ” нормаларида мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича асосий (фундаментал) конвенцияларни тўлдирувчи шундай қоидалар белгиланган.

Тадқиқотчи универсал ва минтақавий ҳужжатларда мажбурий меҳнат тушунчасига берилган таъриф, мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган истисноли ҳолатлар ХМТнинг фундаментал конвенцияларида мустаҳкамланган қоидаларнинг мазмунига мувофиқ равишда қабул қилинганлигини эътироф этади.

Диссертацияда мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, ҳудудий қамрови, юридик мажбурийлиги каби хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қуйидаги асосларда таснифлаш таклиф қилинади: “қаттиқ ҳуқуқ” ва “юмшоқ ҳуқуқ” нормалари, универсал ва минтақавий ҳужжатлар, умумий ва махсус шартномалар. Халқаро шартномаларнинг бундай асосларга кўра таснифланиши уларнинг ҳуқуқий табиатини назарий-ҳуқуқий тадқиқ қилишда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотчи профессор M.V.Cabrera-Ormazанинг ХМТнинг 1998 йилги Меҳнат соҳасидаги асосий принциплар ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларацияси қабул қилингандан сўнг ХМТ томонидан халқаро шартномаларни таснифлаш ёки “норматив иерархияси” йўлга қўйилганлиги ҳақидаги фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ХМТ конвенцияларини уларда белгиланган қоидаларнинг мазмунидан келиб чиқиб учта турга – фундаментал, раҳбарий (устувор) ва техник конвенцияларга бўлиш ХМТ ўзининг асосий нормалари деб ҳисоблайдиган қоидаларини назоратнинг муқобил воситалари ёрдамида бажарилишини таъминлашга эришиш учун институционал саъй-ҳаракатларига урғу беришга йўналтирилганлигини таъкидлайди.

ХМТ доирасида қабул қилинган 190 та конвенциянинг 8 таси фундаментал конвенциялар ҳисобланиб, уларнинг орасида 1930 йилги Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенция ва 1957 йилги Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-сонли конвенция аъзо-давлатлар томонидан энг кўп ратификация қилинган халқаро шартномалардан бўлиб, мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган дастлабки халқаро ҳужжатлар ҳисобланади.

Диссертацияда олимлар M.Kern, C.Sottas, H.Bülck, N.E.Rubin, L.Thomasнинг қарашлари таҳлил қилинган ҳолда, ХМТнинг 29-сонли

конвенциясининг асосий моҳияти баъзи бир истисноларни ҳисобга олган ҳолда мажбурий ёки зўраки меҳнатнинг барча шаклларида фойдаланишни тақиқлаш, мажбурий меҳнатнинг қўлланиш ҳолатини жиноят сифатида малакалаш ва жазолаш ҳамда тайинланадиган жазо чоралари етарли даражада самарали бўлишини таъминлашдан иборат эканлиги, 105-сонли конвенция эса мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қатъий тақиқни белгилаган ҳолда аъзо-давлатлардан мажбурий меҳнатни зудлик билан тугатишни талаб қилиши ҳақида хулоса қилинган.

Тадқиқотчи О.Новикованинг ХМТнинг 105-сонли конвенцияси фақатгина унинг 1-моддасида келтирилган мажбурий меҳнат турларини тақиқлаши, меҳнатга мажбурлашнинг бошқа эҳтимолий шакллари, масалан, крепостной қарамлик, қарздорлик асорати ёки оилавий мажбуриятлари сабабли мажбуран боғланиб қолишлиги натижасида юзага келадиган мажбурий меҳнат ҳолатларини қамраб олмаслиги борасидаги қарашлари билан илмий мунозарага киришган ҳолда, ушбу конвенциянинг 1-моддасида мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шаклларида қўллаш тақиқланган бўлиб, ушбу моддада келтирилган қоидалар эса мажбурий меҳнатнинг турлари эмас, балки шахс томонидан ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини амалга ошириши натижасидаги ҳатти-ҳаракатлари учун асосан давлат органлари томонидан таъсир чоралари сифатида қўлланилиши тақиқланган ҳолатлар ҳисобланишини қайд этади.

Диссертант давлатлар мажбурий меҳнатни нафақат жиноят сифатида тан олиши ва суд тартибида таъқиб қилиши, балки уни олдини олиш, жабрдийдалар учун муносиб ҳимояни тақдим этиш ва уларнинг одил судловга эришишлари учун самарали чораларни кўриши шартлиги халқаро меҳнат стандартларининг муҳим талаблари эканлигини таъкидлайди.

Нормаларнинг бажарилишини самарали таъминлаш, биринчи навбатда, етарли ҳуқуқий асосларнинг мавжудлигига боғлиқ. ХМТнинг деярли барча аъзо-давлатларида мажбурий меҳнатни ёки у билан боғлиқ бўлган қўллик, эрксиз ҳолатда бажариладиган меҳнат, одам савдоси ҳамда қарздорлик асорати каби амалиётларни тақиқловчи конституциявий қоидалар ёки қонунчилик ҳужжатлари мавжуд.

Тадқиқотчи хорижий мамлакатлар (Ҳиндистон, Покистон, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь Республикаси, Грузия) қонунчилиги таҳлили асосида шундай хулосага келадикки, аксарият мамлакатларда мажбурий меҳнатнинг баъзи шаклларида қамраб олган ҳуқуқий база мавжуд бўлса-да, кўпгина давлатларда қонунлар мажбурий меҳнатда айбдор бўлган шахсларни самарали таъқиб қилишга имкон бермайди ва жабрдийдаларнинг ҳаммаси учун ҳам одил судловга мурожаат қилиш имконини таъминламайди. Ҳар бир давлат қонунчилигидаги бўшлиқларни имкон қадар бартараф этиш учун мажбурий меҳнат тўғрисидаги янги маълумотларни инобатга олган ҳолда ўзининг қонунчилигини доимий равишда синчковлик билан таҳлил қилиб бориши лозимлиги юзасидан хулоса қилинади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили аксарият давлатларда мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун оғир жиноий жазо чоралари (узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш, қатга миқдорда жарима тўлаш, етказилган зарарни қоплаш, мол-мулкни мусодара қилиш каби) белгиланганлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича халқаро стандартларни имплементация қилишнинг ҳуқуқий ва институционал масалалари” деб номланиб, мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мажбурий меҳнатни тугатишга оид халқаро стандартларни имплементация қилиш борасидаги ҳуқуқий муаммолар, халқаро меҳнат стандартларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш турларининг ўзига хос хусусиятлари, халқаро меҳнат ҳуқуқи нормалари ва ички қонунчиликнинг ўзаро нисбати, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатни тугатиш бўйича институционал механизмларнинг шаклланиши ва ривожланиши, институционал механизмларнинг турлари таҳлил қилинган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муносабатларига оид қонунчилигида халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички ҳуқуқ нормаларидан устуворлиги принципи мустақамланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларнинг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солилмаган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкинлиги ҳақида хулосага келади.

Диссертацияда бир қатор хорижий олимлар (V.Leary, N.Valticos, С.Thomas, M.Oelz, X.Beaudonnet, Н.Лютгов)нинг меҳнат соҳасида миллий ва халқаро ҳуқуқ ўртасидаги муносабатларга оид фикр-мулоҳазалари таҳлил қилиниб, миллий меҳнат ҳуқуқи ва халқаро меҳнат стандартлари ўзаро таъсирининг иккита асосий усули: халқаро меҳнат ҳуқуқи нормаларининг ички ҳуқуққа имплементацияси ва халқаро меҳнат стандартларини ҳисобга олган ҳолда ички меҳнат қонунчилигининг қабул қилиниши мавжудлиги ҳақида хулосага келинади.

Ўзбекистонлик олим М.Ю.Гасановнинг “меҳнат қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларига тўлиқ мувофиқ бўлиши шарт”⁶ деган фикрларини қўллаб-қувватлаб, тадқиқотчи Меҳнат кодексининг 10-моддасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат масалаларига оид халқаро шартномалар қоидалари Ўзбекистон ҳудудида тўғридан-тўғри амалда бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Диссертант мажбурий меҳнатга оид халқаро стандартларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қўлланилиши борасида бир қатор ҳуқуқий муаммолар мавжудлигини эътироф этади ва уларни баргараф этиш учун ўзининг таклифларини беради. Хусусан, “мажбурий меҳнат”

⁶ Гасанов М.Ю. Трудовые права молодежи: международные стандарты и национальное законодательство. “Вояга етмаганларни меҳнат соҳасида муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари: миллий ва халқаро стандартлар” мавзусидаги давра суҳбати материаллари. –Т.: ТДЮИ нашриёти. 2007. – Б.70.

тушунчасининг Меҳнат кодексининг 7-моддасидаги талқини, “зўраки ёки мажбурий меҳнат” сифатида баҳоланмайдиган ҳолатларни белгилаш борасида халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликда жиддий номувофикликлар мавжуд. Мажбурий меҳнатни фақатгина меҳнат қонунчилигининг тартибга солиш предметиға кирувчи ҳуқуқий муносабатлар сифатида баҳолаш кўп ҳолларда асосга эга эмас. Чунки бу ўринда сўз кишини унинг ихтиёриға зид равишда иш ёки хизматни бажариши учун ноқонуний мажбурлаш ҳақида бормоқда.

Диссертацияда олим М.Маҳаматовнинг “фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси меҳнат муносабатлари соҳасидаги энг муҳим нормаларни жамлаган ҳужжатлигидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайдиган, истисноли ҳолатларни бошқа қонун ҳужжатларида эмас, балки уларнинг тўлиқ ва тугал рўйхатини Меҳнат кодексининг 7-моддасида келтириб ўтиш мақсадға мувофиқ”⁷ деган фикрларига кўшилган ҳолда, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайдиган ҳолатлар сирасига киритилган ишларнинг рўйхатида “қонунда назарда тutilган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар”нинг белгиланиши халқаро стандартлар талабларига номувофиқ ҳисобланишини таъкидлайди. Шу сабабли, Меҳнат кодексининг 7-моддаси, иккинчи қисмини ХМТ 29-сонли конвенцияси 2-моддаси 2-бандида белгиланган истисноли ҳолатлар билан ўзаро мувофиқлаштириш, миллий қонунчиликда белгиланган мажбурий меҳнат ҳисобланмайдиган истисноли ҳолатлар жумласига “мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат” ва “жамоанинг майда хизматларини, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун шу жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишлар”ни киритиш ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларға тўғри ҳуқуқий баҳо беришға имкон бериши ҳақида хулосаға келинади.

Миллий қонунчилик амалиётимизда “ҳашар” тушунчасининг қўлланилиши, мазкур тушунча доирасида амалға ошириладиган ишлар ва хизматларнинг ҳуқуқий табиатини ўрганиш муҳим аҳамиятға эга. Қонун ҳужжатлари таҳлили бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигида “ҳақ тўланадиган жамот ишлари” ва “ҳашар” каби атамаларнинг қўлланилаётганлигини кўрсатади. Қонун ҳужжатларида “ҳашар” тушунчасига аниқ таърифнинг қабул қилинмаганлиги бундай фаолиятға жалб қилинадиган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниш нуқтаи назаридан муаммоли ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу нуқтаи назардан, диссертацияда “ҳашар” тушунчаси билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг хусусиятидан, қонун ҳужжатларида мазкур тушунча

⁷ Маҳаматов М. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2019. –Б.21.

қўлланилиши амалиётдан келиб чиқиб, ушбу тушунчага қуйидагича муаллифлик таъриф ишлаб чиқилди:

“Ҳашар – ободонлаштириши, кўкаламзорлаштириши, иш ўринларини тартибга келтириши мақсадида жамоа аъзоларининг ўзлари мансуб бўлган жамоанинг, шу жумладан меҳнат жамоасининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган ишни бажаришида меҳнатни муҳофаза қилиши ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда безараз ва ихтиёрий тарздаги иштироки”.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мажбурий меҳнат ҳолатлари учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148²-моддасида мустақамланганлиги, ушбу нормаларнинг таҳлили миллий қонунчиликда мажбурий меҳнатга фақат “маъмурий тарзда жалб қилинганлик” учун жавобгарлик белгиланганлиги, бу эса халқаро-ҳуқуқий стандартлар талабларига мувофиқ эмаслиги қайд этилади. Диссертант ушбу масалада тадқиқотчи У.Абдурахмоновнинг “жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда қўлланилган қоидалар мажбурий меҳнат тушунчасининг барча жиҳатларини қамраб олмаслиги”⁸ юзасидан билдирган фикрига қисман қўшилган ҳолда, мажбурий меҳнат қўлланилганлиги учун нафақат маъмурий органлар ва мансабдор шахсларнинг, балки мазкур амалиётдан фойдаланадиган ҳар қандай шахснинг жавобгарлигини қонун ҳужжатларида кўзда тутиш халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бўлишини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148²-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддаси диспозициясидан “маъмурий тарзда” сўзларини чиқариб ташлаш мажбурий меҳнатни қўллайдиган ҳар қандай шахсни тегишлича жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилишига имкон бериши асослантирилган.

Тадқиқотчи хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида ишчининг меҳнат ҳуқуқлари бузиладиган, иш ҳақи берилмайдиган ва иш вақтининг белгиланган меъёрига риоя қилинмайдиган, унинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етмайдиган ҳолатлар билан бирга амалга ошириладиган мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик; шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиладиган, куч ишлатиш билан таҳдид қилинадиган, соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиладиган, унинг эрки ва ҳаракатланиши чекланадиган, ҳужжатлари олиб қўйиладиган, шахсни қарздорлик асоратига соладиган мажбурий меҳнатга жалб қилиниш ҳолатлари учун жиноий жавобгарлик белгилаш лозим, деган хулосага келади.

Диссертацияда мажбурий меҳнатдан жабр кўрган шахслар фойдасига суд томонидан мажбурий меҳнатни қўллашда айбдор деб топилган шахслар ҳисобидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришни тартибга

⁸ Абдурахмонов У. Понятие принудительного труда: международные стандарты и законодательство Республики Узбекистан. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ахборотномаси. 2 (42). 2020. –С.66.

солувчи нормаларни қонунчиликка жорий этиш ҳақидаги тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни, яъни Меҳнат кодексининг XII бобига мажбурий меҳнатни қўллаганлиги учун иш берувчининг моддий жавобгарлигини белгилаш ва етказилган зарарни суд тартибида ундиришни кўзда тутувчи “187¹-модда. Иш берувчининг ходимни меҳнатга мажбурлаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлаш мажбурияти”ни киритиш таклиф этилади.

